ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЬЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
А. ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“Тарих” факультети**
**“Умумий тарих” кафедраси**

“Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари проректори
_______________ проф.Н.Алимов
28 август 2010йил

# “Тарих шахс ва жамият ўқитиш методикаси”

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Билим соҳаси: 100 000 - Таълим
таълим соҳаси: 140 000 - Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани

Бакалавриат йўналишлари: 514 06 00 - Тарих

Жиззах-2010

# АННОТАЦИЯ

Мазкур маърузалар матни тарих ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари, унинг фанлар тизимида тутган ўрни, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, юқори малакали тарихчи мутахассисларни тайёрлашда тарих ўқитиш методикасининг тутган ўрни. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида тарих ўқитишнинг мақсад ва вазифалари. Тарих дарслари турлари: анъанавий ва ноанъанавий. Тарих таълими технологияси. Тарих фанидан дарсдан ташқари ишлар.

Тарих дарсларида матбуот материалларидан фойдаланиш. Дарсда янги педагогик технологияларни қўллаш, ҳамда дарсларда ўқувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларини текшириш, ҳамда бахолаш, тарихни ўрганишда масофали ўқитиш, компьютер ёрдамида дарс процессларини яратиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Маърузалар матнида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш, ҳамда тарих хонасини ташкил этиш ва уни жихозлаш каби илмий методик фикрлар илгари сурилган.

Тузувчи: ўқитувчи Тошбоев Ф.

Тақризчилар:доц.МиркомиловБ.
доц.Пардаев М.,

-Ушбу маърузалар матни 5140600 “Тарих” таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, Ўз.Р.О ва УМТВ томонидан 2009 йилда тасдиқланган. ДТСдаги маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда, 2006 йил 13 август №186 рақам билан тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тузилган.

-Маърузалар матни А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти “Умумий тарих” кафедраси йиғилишининг 28.08.09 кўриб чиқилган ва тасдиқланган. (№1 баённомага эга).

Институт Илмий Кенгашида 29.08.09 кўриб чиқилган ва тасдиқланган. (№1 баённомага эга).

## Тарих шахс ва жамият ўқитиш методикаси курси бўйича маъруза режалари.

**1-Мавзу:** Кириш. Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг асосий босқичлари.Ўзбекистонда умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимида тарих фанларининг тузилиши ва уни ўқитиш.

**Режа:**

1. Тарихдан дарс бериш методикаси курсининг мавзуси ва вазифалари

2.Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида тарихдан дарс бериш методикаси курсининг методологик асослари.

3.Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг асосий босқичлари

4.Касб-ҳунар билим юртларида тарих таълими тузилиши.

5.Ўзбекистонда хозирги замон умумий ўрта таълим тизимида тарих фанлари системаси

**2- Мавзу** : Тарих дарсларида ЯПТ воситаларидан фойдаланиш. Интерфаол таълим сифат кафолати, интерфаол таълим методлари

Режа :

1. Тарих дарсларида ЯПТ воситаларидан фойдаланиш.
2. Интерфаол таълим турлари.
3.Ақлий ҳужум, 6х6х6, кластер, Қора қути методлари

**3-мавзу**: Интерфаол дарсларни ташкил этиш.

Режа:

1. Интерфаол дарсларни ташкил этиш
2.Ўқувбилим фаолиятини гуруҳларда ташкил этиш
3.Тренингих дарслари ва уни самарали ўтказиш

**4- Мавзу.**Тарих дарсларига маъруза тайёрлаш ва уни самарали ўтказиш

Режа:

1.Марузани тайёрлаш мезонлари
2.Маъруза матнини тузиш билан боғлиқ тушунчалар.
3. Маъруза матнининг электрон вариантлари.
4.Давра суҳбатлари

**5-мавзу**: Тарих дарсларида лойиҳа асосида машғулотлар олиб бориш

Режа:

1.Лойиҳа асосида машғулотлар олиб бориш .
2.Лойиҳали дарс босқичлари.
3.Тарих дарсларида муаммоли таълим методлари.

**6-мавзу**: Тарих дарсларида муаммоли, креатив ва эвристик таълим методларидан фойдаланиш.

Режа:

1.Креатив ва эвристик таълим методларидан фойдаланиш.
2.Эркин ассоцияли, инверция, эмпотик ва синетик методлар.
3.ахборот технологиялари,ва компютертехникаси асосида ўқиш.

**7-Мавзу**. Таълимда инновация ва мотивация.

Режа:

1. Таълимда инновация.
2.Инновацион фаолият.
3.Дарс ва мотивация..

**8-мавзу**: Таълим сифати мониторинги. Педагогик диагностика.

Режа

1.Мактабда таълим сифати мониторинги
2.Педагогик диагностика.
3. Педагогик диагностиканинг тест методи.

## Курс бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари


1. Каримов И.А.Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман (Президент Ислом Каримовнинг “Fidokor” газетасининг мухбири саволларига жавоблари) - Т., 2000 йил.

2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т., “Шарқ”, - 1997 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўплами.- Самарқанд, 1999 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм.- Тошкент, 1998 йил.

5. Қурбонов Ш. ва бошқалар.Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар) - Т.; “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998 йил. -184 б.

6. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси 2-Махсус сон, 1999 йил. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Т., “Шарқ”, 1999 й.

7. Адам М. ДреерПреподование в средней школе США / Проблемқ начинающих учителей.// Перевод с английского, общая редакция и вступительная статья кандидата педогогических наук В.Я.Пилиповского - Москва, “Прогресс”, 1983, -287 стр.

8. Краснобоев Б.И.Методика преподавания истории. Методические указания. -М., Изд-во Моск. ун-та, 1978. -58 с.

9. Набиев А., Бўриев О., Шаймардонов И.Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1996, -127 с.

10. Раҳматуллаев Т.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда археология материалларидан фойдаланиш: (Ўқитувчилар учун қўлланма). -Т. “Ўқитувчи”, 1994. -96 й.

11. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи дарсларида архив материалларидан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1995 й. -127 б.

12. Сафоева Э., Шоймардонов И.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш (Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун). -Т.: “Ўқитувчи”, 1993. -80 б.13. Саъдиев А.С.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш: Педагогика олий ўқув юртлари тарих куллиётларининг талабалари учун қўлланма. -Т.: “Ўқитувчи”, 1993 й. -160 б.

14. Саъдиев А.С.Мактабда тарих ўқитиш методикаси. -Т., “Ўқитувчи”, 1978, -208 б.

15. Тошпулатов Т., Ғаффаров Я.Тарих ўқитиш методикаси.-Т., “Университет”, 1999, -58 б.

## 1-Мавзу: Кириш. Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг асосий босқичлари.Ўзбекистонда умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимида тарих фанларининг тузилиши ва уни ўқитиш.

Режа:

1. Тарихдан дарс бериш методикаси курсининг мавзуси ва вазифалари
2.Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг асосий босқичлари
3.Ўзбекистонда хозирги замон умумий ўрта таълим тизимида тарих фанлари системаси

**Таянч сўз ва иборалар:**

Тарих фанининг роли. Тарих ўқитувчиси. Мактабда тарих дарси. Олий ўқув юртида тарих дарси. Дарс соатлари. Ўқув қўлланмаси ва дарсликлар. Фалсафа ва тарих мафкураси. Тарихчи педагог кадрлар тайёрлаш. Курснинг тузилиши ва мавзулари. Фаннинг вазифалари. Фаннинг предмети. Тарих ўқитишни ташкил қилиш. Ўқитишнинг натижалари. Тарихдан дарс бериш методикаси жараёнлари. Курснинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Тарихдан дарс бериш методкаси ўзининг мустақил текшириш предметига эга. Ўрта умумтаълим ва касб-ҳунар билим юртларида тарихдан дарс ўқтилиши ва ўқитиш жараёнининг ўрганилиши тарихдан дарс бериш методикаси курсининг мавзусини ташкил этади. Ўқитиш жараёнининг объектив суратда амал қиладиган ўз қонуниятлари бор. Уларни билиб олиш ва таълим тарбия жараёнида бу қонуниятларга амал қилиш, улардан оқилона фойдаланиш билим юртларида тарихдан дарс беришни илмий асосда олиб боришни муҳим шартидиар. Тарихдан дарс бериш методикаси жараёнининг таркибий қисмлари (мақсади, мазмуни, ўқитишнинг метод ва усуллари, натижалари) ўртасидаги қонуниятли алоқалар мавжуд.

Тарих ўқитишни ташкил қилиш деганда, тарихни ўқитиш ва ўқувчиларнинг уни ўрганишини ташкил этиш, уларнинг ўрганиш фаолиятини ўқитувчининг бошқаришига ёрдам берадиган метод ва методик усуллар, ўқувчилардаги мавжуд билимларни ишга солиш ва уларни ижобий билишга йўналтирадиган топшириқлар системаси ҳамда таълимнинг турли хил формалари (дарс, семинар, коллоквиум машғулотлари ва бошқалар) тушунилади.

Ўқитишнинг натижалари деганда эса, мактабда ва билим юртларида тарих ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини мувффаққиятли равишда амалга оширилиши; ўқувчиларнинг тарих фани асосларини, тарихий материалга мос самарали метод ва усулларини билиш ва билимлардан фойдалана билиш малакаларини пухта ўзлаштиришлари, ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини, тасаввури ва нутқини, махсус ва умумий қобилиятларини ўстириш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, ўрта умумтаълим ва касб-ҳунар билим юрти тарих таълими жараёнининг юқоридаги умумий қонуниятлари қуйидаги объектив ва қатъий такрорланадиган алоқаларда намоён бўлади: ўқитишнинг мақсади унинг мазмуни билан белигиланади, мақсад ва мазмунга мос келадиган ўқитиш методи ва усуллари танланади, ўқитишнинг самараси эса ўқитишда эришилган қатъий ижобий натижалар билан текширилади, яъни тарихий билимнинг сифати билан ўлчанади.

Тарихдан дарс бериш методикаси бўлажак педогогларни умумтаълим ва касб-ҳунар билим юртларида тарих ўқитишнинг илмий асослари билан таништиради. Шунингдек, жараённи текшириш методлари билан ҳам қуроллантиради.

Тарихдан дарс бериш методикаси жараёни икки йўл билан ўрганилади. Биринчиси кузатиш методидир. Бу методдан фойдаланилганда турли хилдаги ўқув-услубий адабиётлар, ўқувчиларнинг ёзма ишлари, рефератлари, докладлари, компьютер компакт дискларидаги ёзувлар ўқитишга берилган баҳо ва чиқарилган хулосалар билан танишиб чиқилади, дарслар кузатилади, ўқувчиларнинг билими ва малакалари ўрганилади.

Кузатиш методидан фойдаланилганда тарихдан дарс бериш методикасини мавжуд тажрибаси доирасидан четга чиқилмайди, табиий равишда ушбу тажриба ўрганилади.

Иккинчиси эксперимент методи. Ўқитувчи ўқитиш жараёнини ўзи хоҳлаганича уюштиради. Бу катта масъулият талаб этадиган, тажрибали педагогларга хос бўлган методдир, албатта. Педагог ижодий иш қилади ва унинг бу иши илмий экспериментга ўхшаб кетади. Бироқ, ўқитувчи қилган ижодий изланишнинг илмий экспериментдан фарқи, аввало шундаки, ўқитувчи дарсда амалий вазифани ҳал қилади, унинг хулосалари эса, ўз фаолиятининг натижаси бўлади.

Тарихдан дарс бериш методикаси курси ўқувчиларга тарихий воқейликни билдиришдан иборатдир. Ўқитиш жараёнида ўқувчилар тарих фанини ва унинг баъзи тадқиқот методларини билиб оладилар.

Тарихдан дарс бериш методикаси тарих фанининг баъзи бир текшириш методларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билимларини яхшироқ ўзлаштиришларини ва уларнинг тарих фанини баъзи тадқиқот методлари билан таништиришни кўзда тутади. Ўқувчиларнинг янги фактларни таҳлил этиш ва улардан зарур хулосаларни чиқариш пайтида ўрганган билимлари жуда ҳам мустаҳкам ва ишонарли бўлади, шунингдек, ўқувчилар мустақил фикрлашга ўрганади. Бу уларни тадқиқот олиб боришнинг дастлабки усуллари билан таништиришга ёрдам беради.

Тарихдан дарс бериш методикаси курсида ўқувчиларнинг ёши, билими, фикрлаш қобилияти ва умуман психик фаолиятини эътиборга олмасдан туриб, уларнинг ўқув фаолиятига самарали таъсир этиб бўлмайди. Шу сабабли методика психология фани билан чамбарчас боғланган.

Тарихдан дарс бериш жараёнида устоз билан шогирдлар ўртасида маънавий яқинлик, соғлом ва тетик кайфият вужудга келтирилиши ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини активлаштиради, дарснинг

самарадорлигини оширади.

Тарихдан дарс бериш методикаси таълим-тарбия ҳақидаги педагогика фани унинг таркибий қисми бўлган дидактика билан чамбарчас боғланган, унинг мустақил бир тармоғидир.

Тарихдан дарс бериш методикаси педагогик жиҳатдан яхши натижаларга эришиш мақсадида ҳам тарих ўқитиш жараёнини ўрганади. Педагогик жараён ҳам ўқитишда яхши натижаларга эришишни кўзда тутади.

- Тарихдан дарс бериш методикаси фанидан маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил билим олиш учун умумий дафтар тутинг;
- Тарихдан дарс бериш методикаси фанига доир дарслик, ўқув қўлланмаси ва фойдаланиши зарур бўлган адабиётларни университет кутубхонасидан олинг.
- Тарихдан дарс методикаси фанидан тузилган технологик рейтинг харитаси билан яхшилаб танишиб чиқинг.
- Жорий, оралиқ назоратлардан йиғиладиган саралаш ва максимал балл миқдорларини, назорат кунларини дафтарга ёзиб олинг.

2. Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг асосий босқичлари (2-соат)

1. Дастлаб республикада таълим тизимига мустабид тузумдан қандай-мерос қолган эди? - деган саволга жавоб топишга уриниб курайлик.

Шахсни булажак касб фаолиятининг тор йўналишига боғлаб қўядиган соха мутахассислиги ва ихтисосларининг ўзгармас турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси “ўртача” ўқувчига мулжалланган эди.

Иқтидорли талаба ва ўқувчиларга ўз қобилиятларини ривожлантириш ҳамда салоҳияти даражасидаги имкониятларни эгаллашга йўл очиб берадиган механизм йўқ эди. Коммунистлар ҳукмронлиги даврида, бу ерда инсон таълим ва тарбиянинг суст бир объекти деб қараладиган усул ҳукмрон эди. Бу коммунистик мафкуранинг “ўткир” таъсири оқибати бўлиб, тафаккурнинг, қотиб қолишига олиб келар ҳамда мустақил қарор қабул қилиш имконидан маҳрум этар эди.

Ўз навбатида ўқитувчилар фаолиятини қўпол равишда режалаштириш ва назорат қилиш уларни ташаббусдан маҳрум этар, ўқитувчининг ўрнини оддий воситачиликка айлантириб қўяр эди.

Ҳунар-тахника таълими тизимида ишчи кадрларни тайёрлаш ҳам ўзининг буткул ноқобиллигини кўрсатди. Университет таълимига зарар келтирган ҳолда тармоқ олий таълимини устувор даражада ривожлантириш ҳам ўзини оқламади.

Янги шароитда кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантиришда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинди.

Бу биринчидан, таълимнинг устиворлигидир. Таълимни ривожлантириш биринчи галдаги иш бўлиб, бошқа муҳим тамойиллардан тарих билимлари ривожланишининг босқичларини тўғри тушунишга ёрдам берадиганларини

келтириб ўтишни лозим деб ҳисобладик, яъни:

- таълимнинг узлуксизлиги. Бунга умумтаълим ва профессионал тайёргарликни доимий равишда чуқурлаштириб ва янгилаб бориш, таълим ва тарбияда изчилик туфайли эришилади.

- миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлар билан табиий равишда уйғунлашган, ўзбек халқи маданиятини сақлаш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг муҳим омили эканини эътироф этиш, бошқа халқларнинг маданияти ва тарихига ҳурмат билан қарашга асосланган таълимнинг миллий йўналиши.

- таълимни демократлаштириш-таълим ва тарбия усулларини танлашда ўқув юртларининг мустақиллигини таъминлаш, таълимни бошқаришнинг инсон манфаати устивор ҳисобланган давлат-жамоа тизимига ўтиш ва ҳоказо.

Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва нутқларида таълим масалалари бўйича қайд этилган бу тамойилларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан ўрин олган. Дастурни яратишдан олдин буюк аждодлар меросини, Ўзбекистон олимларининг ҳозирги пайтда эришган ютуқларини, етакчи хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, шунингдек, янги ўқув юртлари, янги фанлар, таълим стандартларини яратиш бўйича экспрементлар ўтказиш, кадрлар тайёрлашнинг тузилма ва ҳажмларини ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти тараққиёти йўлига ўтган янги жамиятнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳолда қайта йўналтириш бўйича жуда улкан ишлар амалга оширилди.

2. 1992 йилдан бошлаб кейинги йилларда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Таълим тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ республика минтақаларида бир қанча янги университетлар ва ихтисослашган институтлар очилди. Дастлаб олий, кейинчалик ўрта махсус билим юртларига киришда ҳам тест синовлари жорий этилди. Янги шароитларда ишлаш учун ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда ўқувчиларни руҳан қайта тайёрлаш жараёни изчиллик билан амалга оширилди ҳамда ривожлантирилди. Ихтисослашган ва бошқа ўқув юртларида иқтисодий таълим тизилмаси ва мазмунига жиддий тузатишлар киритилди.

Олий ўқув юртлари ҳузурида ихтисослашган лицей ва гимназиялар очилди.

1997 йил август ойида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан сўнг республика бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик йўналишига эга бўлди.

Дастурда мактабгача таълим даражасида болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун шароит яратиш, уларни мактабга самарали тайёрлаш кўзда тутилади.

Тўққиз йиллик умумий таълимнинг янги тузилмаси ўқувчиларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юзага чиқаришни, хусусан, ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълимга табақалаштирилган ёндошувни назарда тутади.

Уч йиллик махсус, касб-ҳунар таълими ҳам табақалаштирилган ҳамда шахснинг салоҳиятини очишга қаратилган ҳолда олиб боришга мўлжаланган.

Олий ўқув юртлари ҳузуридаги академик лицейларда (иқтидорли ўқувчилар учун) ўқувчилар танлаган йўналишлар бўйича қизғин интеллектуал ривожланиши, уларнинг маълум йўналишда чуқурлаштирилган таълим олиши, билим даражасини ошириш ҳамда махсус касб кўникмаларини шакллантириш таъминланади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар фундаментал умумтаълим тайёргарлик билан бирга замонавий касб-ҳунарларни ўрганади, умумпрофессионал ва махсус фанлар бўйича чуқурлаштирилган назарий билимларни эгаллайди. Касб-ҳунар коллежини битирганлар олий ўқув юртларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (9+3=12 йил) мажбурийдир.

Олий таълим икки босқичли (бакалавриат ва магистратура) бўлиб, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтиришни, жамоат бошқарувини жорий этишни, таълим, ўз билимини ўзи ошириш, масофали таълим тизимини индивидуаллаштириш технология ва воситаларини жорий этишга, таълимнинг ижтимоий, инсонпарварлик йўналишини таъминлашни назарда тутади.

Бугунги кунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини барпо этиш ҳамда уларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Олий ва ўрта таълим вазирлиги таркибида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази барпо этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч йиллик ўқув масканларининг ўзига хос миллий модели-янги турдаги ўқув масканлари - лицей ва коллежлар шу Марказ ихтиёридадир.

3. Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг навбатдаги мухим босқичини тарих фани бўйича давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилиши билан боғлаш мумкин.

Жамият ва унинг ижтимоий тараққийти тарих фани асосини ташкил этиб, шу фаннинг объектидир. Тарих фанининг предмети эса ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисалар бўлиб, улар ўзларининг бетакрорлиги билан алоҳида хусусиятга эга. Тарихий воқеа-ҳодисаларни илмий, холис ўрганишнинг аниқ йўлини. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1998 йил 26 июнда мамлакатимиз тарихчи олимлари, шоир ва журналистлари билан бўлган учрашувда кўрсатиб берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 июнда "Ўз ФФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Янги тарихни холисона ёритиш, тарих фанини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳол умумтаълим мактабларида тарих фани асосларини ўрганиш олдига, хусусан ушбу ўқув фанини ўқитиш мазмунига катта талаблар қўйди.

Ўқувчилар ижтимоий онгини шакллантиришда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ортди. Айни пайтда мазкур фанни турли соҳа

йўналишлари билан мустаҳкам алоқадорликда ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам кучайди.

Хўш, янги таълим тизимида, масалан Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни қандай бўлади?

Шуниси, аниқким, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бир-бири билан боғланган, барча ёшлар учун мажбурий бўлган ягона ва узлуксиз тизимдир. Шунинг учун кўпгина фанларни, жумладан, Ўзбекистон тарихини ўқитишда давомийлик сақланади.

Ўзбекистон тарихини ўқитишни умумий ўрта таълимнинг 5-синф ўқувчиларига Ватанимиз тарихига доир энг муҳим воқеалар ҳикоя тарзида ўргатилишдан бошланиб, дарсликнинг номи "Ватан тарихидан ҳикоялар" деб аталади.

6-синфдан бошлаб ўқувчиларга Ўзбекистон тарихини хронологик изчиллик тарзида ўқитишга киришилади. Ҳозирги кунгача, синфлар бўйича Ўзбекистон тарихи қуйидаги даврларга бўлинади. 6-синфда Ватанимиз тарихининг қадимги даври, 7-синфда ўрта асрлар (V-XV асрлар) даври, 8-синфда Шайбонийлар ҳукмронлиги, уч ўзбек хонликлари (XVI асрдан XIX аср ўрталаригача) даври, 9-синфда Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши ва мустамлакачилик (XIX аср ўрталарида 1917 йилгача) даври тарихи.

Маълумки, 9-синфни битираётган 500 мингга яқин ўқувчиларнинг ҳаммасини бирданига академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб этиб бўлмайди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилади. Йилдан-йилга 11-синфгача ўқитиш тизими қисқариб боради, ўқувчиларни лицей ва коллежларга жалб қилиш эса кенгайиб боради. 2005 йилга бориб, 10-11 синфда ўқитиш тўхтатилади, 9-синфни битирувчилар тўлиқ равишда лицей ва коллежга жалб қилинади. Демак, 2005 йилгача Ўзбекистон тарихининг 1917 йилдан то ҳозирги кунларгача бўлган даври бир пайтнинг ўзида ҳам 10-11 синфларида, ҳам академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилиши лозим бўлади. Шундагина умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфини битириб чиқаётган ёшлар ҳам Ўзбекистон тарихини етарли даражада тўлароқ ўзлаштириб олишлари таъминланади.

Энди Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юртларида ўқитиш масаласини олайлик. Ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи 240 соатлик дастур асосида (88 соат маъруза ва 76 семинар машғулотлари) ўқитилмоқда. Дастурга биноан Ватанимизнинг энг қадимги даридан то ҳозирги кунимизгача бўлган тарихи хронологик изчиллик билан ўқитилиб келинмоқда. Бу мамлакатимиз ўзининг давлат мустақилигини қўлга киритган дастлабки йилидаёқ жорий этилган бўлиб, унинг энг тўғри йўл бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Айрим ҳамкасабаларимиз, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида Ўзбекистон тарихини чуқур ўқитишга эришиб бўлмайди, ўқувчиларнинг идрок қилиш имконияти чекланган бўлиб, мураккаброқ ижтимоий-сиёсий муаммоларни тушуниб етишига ҳам ёшлик қилади, шу боисдан олий ўқув юрти ҳолатини сақлаб қолиш зарур, деган фикрларни билдирмоқдалар. Бундай фикрларга Ўзбекистон тарихини ўқитишдек муҳим, долзарб масалага

янгича назар билан қарашга, янгича ёндошишга ундамоқда.

Бизнингча, олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган барча мавзуларни хронологик изчиллик билан ўқитиш даври ўтди. Тўғрисини айтганда, тажриба ҳозирги амалдаги ўқув дастурида белгиланган 88 соатлик маъруза давомида 2-3 минг йиллик тарихни, барча мавзуларни ҳар томонлама чуқур, батафсил ёритиб бўлмаслигина кўрсатиб турибди.

Иккинчидан, олий мактабга қабул қилинаётган талабалар Ўзбекистон тарихи бўйича муайян билимларга эга бўлиб, уларга ҳамма мавзулар бўйича маъруза ўқишнинг зарурияти ҳам йўқ.

Энди олий мактаб талабалари учун Ўзбекистон тарихини қандай ўқитиш, қандай муаммоларни ўргатиш масаллалари тўғрисида фикрлашиб олиш, аниқликлар киритиш, ўқув дастурини қайта кўриб чиқиш вақти келди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимким, олий таълимнинг биринчи босқичи бўлган бакалавриатда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш зарур. Бу зарурият, биринчидан, олий ўқув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб бериши керак, деган савол билан боғлиқ бўлиб, олий маълумотли мутахассис ўз Ватанининг тарихини чуқур ўзлаштириб олган бўлиши керак. Иккинчидан бу зарурият олий ўқув юртлари ўқув дастурларини замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тузиш ва жорий этиш талаби билан белгилланади. Учинчидан, бу зарурият олий маълумотли мутахассисларнинг хорижий мамлакат мутахассислари билан тобора мустаҳкамланиб, кенгайиб бораётган алоқалари, ҳамкорлиги жараёнида табиий равишда Ватан ва жаҳон тарихининг муҳим муаммолари устида ўзаро мулоқот, фикр алмашиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тарихининг умумий ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқувчилари томонидан тўла идрок қилиб ололмайдиган муҳим, айни пайтда мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари ҳам борки, буларни олий ўқув юрти талабаларига ўргатиш зарур бўлади.

Бешинчидан, мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, миллий давлатчилик ва демократик жамият асосларининг барпо этилиши, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнларини ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш тарихини олий мактаб талабаларига ўргатиш Ўзбекистон тарихи фанининг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бири эканлигини унутмаслик керак. Олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда концептуал-методологик муаммолар асосида тузилган мавзуларга таянилиб олиб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яна бир, ташкилий тарздаги масала. Олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини янгича мазмун, янгича савияда ўқитишни қайси ўқув йилдан, қайси курсдан бошлаш ҳақидаги масаладир. Бизнингча, янгича ўқитишни олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон тарихи фани бўйича янги ўқув дастурини, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва етарли нусхада нашр этиш таъминлангандан, шу йўналиш бўйича ўқитувчилар малакасини оширгандан кейингина жорий

этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ўзбекистонда хозирги замон умумий ўрта таълим тизимида тарих фанлари системаси

1. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларининг 2000-2001 ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг к¢рсатмалари ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 1999 йил "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга мувофиқ 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб Умумий ўрта таълимнинг муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда куйидагича босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилади:

-1999-2000 ўқув йили 5-6 синфлар;
-2000-2001 ўқув йили 7 синф;
-2001-2002 ўқув йили 8 синф;
-2002-2003 ўқув йили 9 синф;

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарслик, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишдан қаътий назар бизга таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастури Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланиб, китоб шаклига келтирилди. Айниқса, ушбу китобнинг Президентимиз фондидан бепул тарқатилиб, хақиқатан ҳам Ўзбекистонда "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишида улкан бир қадам бўлди.

Энг муҳими - давлат ва жамиятнинг эхтиёжидан келиб чиққан ҳолда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида умумий ўрта таълимнинг мазмуни янгиланди.

Эндиги вазифа - янгиланган таълим мазмунига монанд ўқитиш

методларини такомиллаштириш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш, ўқитишда техник фойдаланишни йўлга қўйиш, таълим мазмунини бойитадиган ва қониқарли қиладиган турли-туман кўргазмали қуроллар ва дидактик материаллар яратишдан иборат.

Ҳозирги оммавий равишда қўлланиб келаётган анъанавий таълим беришнинг синф-дарс усулининг ўз ютуғи ва камчиликлари мавжуд. Қўлланилаётган лекция, ҳикоя, суҳбат ва шунга ўхшаш усулларда кўпинча ўқитувчи берадиган фикр ўқувчига бир ёқлама сингдирилади

Бундай ҳолатда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида қайта алоқа кўнгилдагидек бўлмайди. Агар педагог маҳоратли, сўзлашув маданиятига, фикрларни аниқ, содда ва тушунарли баён этишга уста бўлса, бу усул билан ҳам мақсадга эришиш мумкин. Албатта бундай қобилиятга педагоглар тўлиқ эга эмаслар. Демак, муваффақиятнинг асосий гарови ўқувчиларнинг барчасини ўргатиш-ўрганиш жараёнига фаол жалб этишдир. Ҳозирги кунда Республикамиз таълим тизимига ҳам янги педагогик технология элементлари кириб келмоқда. Лекин, қўлланиб келаётган бу технологиянинг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд. Шунга кўра, Республика таълим марказида илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ишланди. Педагогик технологияларни қўллашни ташкил қилиш ва бошқариш маълум бир асосларга эга. Улар қуйидагилар:

1) Педагогик технологиялар банки, уларнинг ўқув-методик жиҳатдан таъминланганлиги;

2) Педагогик технологияларни танлаш мезонлари;

3) Ўқув-тарбиявий жараёнга педагогик технологияни киритиш механизми.

Ҳозирги кунда кўплаб педагогик технгологиялар қўлланилмоқда. Улардан маҳаллий шароитларда қўллаш мумкин бўладиганларини танлашнинг ўзига хос принциплари мавжуд:

-мамлакат, вилоят, туман ёки шаҳарнинг мактабга берган ижтимоий буюртмасига кўра;

-мактабни ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат ҳужжатларига кўра давлат буюртмаси;

-ҳозирги замон фанининг эришган ютуқларига кўра;

-раҳбарлар, педагогларнинг касбий тажрибаси, ижодкорлиги.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" ги 203-сонли қарори, вазирликнинг 2000 йил 18 апрелдаги "Ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий этиш тажриба-синов ишларини умумлаштириш бўйича эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги 71-сонли буйруғини бажариш бўйича тузилган гуруҳ ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими ҳақидаги бир нечта вариантлар асосида ягона муваққат Низом лойиҳасини ишлаб чиқди. Муваққат Низом вазирлик томонидан тасдиқланиб, "Маърифат" газетасининг 2000 йил 5 август сонида

эълон қилинди.

Такидлаш жоизки, 1999-2000 ўқув йилида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими бўйича тажриба-синов ўтказган ва турли вариантларда иш олиб борган ўқув муассасалари 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб ишларни ушбу Низом асосида давом эттирадилар. Шунингдек, рейтинг тизимини жорий этиш учун муҳит яратилган туман(шаҳар)лар ва ўқув муассасаларига мазкур муввақат Низом асосида тўлиқ рейтинг тизимини жорий этиш ҳуқуқи берилади.

2. Умумий ўрта таълим давлат стандартини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида" Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" асос қилиб олинди.

Тарих умумий ўрта таълим мактаблари (V-IX синфлар) ҳамда академик лицей, касб ҳунар коллежларида (кейинги босқичларида) асосий ўқув фани сифатида ўқитилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг қадимги замонлардан XX аср бошларигача бўлган даври ўрганилади.

Тарихий ҳодисалар ва воқеаларни ўрганишга қўйилган (V-IX синфлар) ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, руҳий хусусиятлари, жисмоний ривожланиши даражаларига мос бўлиши лозим. Шунга мувофиқ тарзда ўқув фани икки йўналишни ташкил этиши зарур:

1. Жаҳон тарихи;
2. Ўзбекистон тарихи.

Ўзбекистон ва жаҳон тарихидан ҳикоялар энг қадимги даврлардан шу кунларгача бўлган айрим эпизодик лавҳаларни ўз ичига олади.

5-синфда "Ватан тарихидан ҳикоялар" курси энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар фан асослари сифатида эмас, ҳикоялар тарзида ўрганилади. Бунда "Ватан тарихидан ҳикоялар" (Б. Ахмедов, 1998 й) дарслигидан фойдаланилади.

6-синфда энг қадимги даврдан милоднинг V асргача бўлган давр ўрганилади. Бунда янги дарсликдан (А. Саъдуллаев ва бошқалар) фойдаланилади.

7-синфда V-XXI асрлар. Эфталитлар давлати ташкил топишидан XV аср охири - Темурийлар давлати даврини ўз ичига олади.

8-синфда Шайбонийлар давлатининг (XVI аср) ташкил топишидан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр ўрганилади.

9-синфда XIX аср ўрталаридан XX асрнинг 1917 йил февралигача бўлган давр ўрганилади. Бунда муаллиф Ж.Раҳимов дарслигидан фойдаланилади.

10-синфда 1917 йил февралидан миллий истиқлолга қадар бўлган давр (1991 йил) ўрганилади.

11-синфда мустақиллик даври ўрганилади. Бунда "Ўзбекистон тарихи" (Н.Жўраев ва бошқалар, Т. "Шарқ", 1998 йил) дарслигидан фойдаланилади.

"Ўзбекистон тарихи" ўқув фани материалларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда билимларни баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш мақсадида

дастурнинг айрим бўлимларида ¢лкашунослик материалларини ўрганиш, умумлаштириш дарслари учун маълум вакт ажратилган бўлиб, улардан фойдаланишнинг ўрни, ҳажми ва характери ҳақидаги масалани ўқитувчининг ўзи ҳал қилади.

"Ўзбекистон тарихи" ўқув фанини ўқитишнинг вазифаларидан бири - юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида алоҳида такидлаганидек, "ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий мафаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз"дан иборатдир.

"Жаҳон тарихи" ҳамда "Ўзбекистон тарихи" ўқув фанлари 5-11-синфларда ёнма-ён ўқитилади. Бунда айрим мавзуларда умумийлик бўлиши мумкин. Бироқ, 2000-2001 ўқув йилида "Жаҳон тарихи" ўқув фани "Ўзбекистон давлати" мавзусини кенг маънода ўрганади.

8-синф учун "Ўзбекистон давлвти ва ҳуқуқи", 9-синф учун "Коституциявий ҳуқуқ" курсларининг синов дастури ҳамма вилоятлардаги тажриба-синов майдончалари қилиб белгиланган мактабларда синаб кўрилди ва натижалари таҳлил қилиниб тасдиқланди. Ушбу дарсликлар бўйича ўқитиш 8-синфда 2000-2001 ўқув йилидан, 9-синфда эса 2001-2002 ўқув йилидан жорий этилди.

1999-2000 ўқув йилида 9-синфда "Давлат ва хуқуқ асослари" курси ўқитилади. Мазкур курсни режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли маърузасида баён қилинган, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи керак.

Бу курсни ўқитишда "Конституция ва биз" (М. Тансиқбоева ва О. Муҳаммаджонов. Тошкент, "Адолат", 1988 йил) дарслик қўлланмадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9-синфда Ўзбекистон ва жаҳон тарихи таркибида (Ўзбекистон тарихидан 17 соат, жоҳон тарихидан 17 соат) динлар тарихи ўқитилади.

Ўқитиш жараёнида "диний экстремизм ва фундаметализм тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи" ҳамда "Ҳадис илми сабоқлари" мавзуларида ҳам машғулотлар ўтказиш тавсия қилинади.

Бунда "Дунё динлари тарихи" (Й. Саиджонов ва У. Жўраев. "Шарқ", 1998 йил) дастури ва ўқув қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

11-синфларда "Инсон ва жамият" ўқув курсини ўқитишда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида яратилган ўқув қўлланмаси ва ўқувчилар учун методик тавсиялардан фойдаланилади.

# 2- Мавзу : Тарих дарсларида ЯПТ воситаларидан фойдаланиш. Интерфаол таълим сифат кафолати. Интерфаол таълим методлари.

Режа :

1. Интерфаол таълим сифат кафолати
2. Интерфаол таълим турлари.
3. Ақлий ҳужум, 6х6х6, кластер, Қора қути методлари.

***Интерфаол таълим сифат кафолати***

Таълим к,онуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"ни таълим жараёнига татбик; этиш билан таълимда сифат ва самарадорликка эришиш ва шу оркали модернизация кдлинган таълим стандартлари тулик, бажарилиши таъмин этиш даври бошланди.

Давлатимиз томонидан янги мактаблар курилиши, минглаб мактабларни янгитдан реконструкция килиш, жорий таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмокда. Мактабларимиз янги киёфага, барча кулайликларга эга булиб бормокда.

Мактабларни янги жихрзлар, асбоб-ускуналар, такомиллаштирилган дастурлар, модернизация кдлинган, тажриба-синовдан утган стандартлар, дарсликларнинг янги авлоди билан (ижара тарикасида) таъминлаш, компьютерлаштириш Давлат умуммиллий дастури асосида изчил амалга оширилмокда.

Энди укув жараёнини янгиланган дастур ва стандарт талабларига жавоб берадиган замонавий дарслар асосида ташкил этиш даври келди.

Бошкдча килиб айтганда зерикарли дарслар урнига дарсларни ташкил этишга масъулият билан ёндашадиган, касбий билимдон, методик махоратга эга, масъулиятли, замонавий, интерфаол педагогик технологияни мукаммал узлаштириб олган, инновациялар асосида таълимни ташкил эта оладиган укитувчиларга талаб ошиб бормокда. Таълимда моддий база, стандарт, укув режалар, дастур ва дарсликлар канчалик такомиллаштирилмасин, кутилган асосий натижага эришиш, чукур ва пухта билим бериш, юк,ори сифатдаги узлаштиришга эришиш бевосита назарий ва амалий машгулотларни олиб борувчи укдтувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига педагогик махоратига богланиб крлаверади, укув-билув марказида эса ук,увчи турмогини так,озо этади.

Х,ар кандай таълим, укувчи шахсига, унинг кизи^иш, хохиш истагига, эхтиёжига каратилмоги керак. Яъни таълимни индивидуаллаштиришга каратилмоги талаб этилади.

Энди таълимни индивидуаллаштириш нима? Деган саволга жавоб берайлик:

- таълим жараёнини индивидуаллаштириш шундай укитиш усулики, бунда хар бир укувчи укув жараёнида фаол иштирок этиб, укув-билув жараёнига шахсий хисса кушиши хисобга олинади;
- таълим жараёнини ташкил эишда укитувчининг услубий ёндашуви, тезкорлиги, укувчининг шахсий хусусиятлари хисобга олинади;
- укув-методик, психологик, педагогик ташкилий боищарув ишларини олиб боришда укувчи шахси укув-билув марказида булади.

• Индивидуал ёндашув нима?

1. Гуруҳларда ишлаганда, укув-тарбиявий ишларни ташкил этганда хар бир укувчи билан яккама-якка ишлаганда уларнинг шахсий хусусиятлари доимо укитувчи диккат марказида турмоги, хисобга олинмоги керак.
2. Укувчи билан мулокот олиб борганда хам, унинг узига хосликлари диккат эътиборда тутилиши керак.
3. Таълим жараёнида хам, унинг кобилияти, имкониятлари назарда тутилиши керак.
4. Педагогик психологик жараёнларни олиб боришда укувчининг шахсий ривожланиш даражасини кузда тутиш зарур.

Индивидуаллашган таълим принциплари

- Индивидуаллаштириш - укув жараёнининг бош стратегиясидир.
- Укув жараёнини индивидуаллаштириш оркали шахсни ривожлантириш таъминланади.
- Х,ар бир укув предметини укитишни индивидуаллаштириш оркали амалга ошириш кутилган натижани кафолатлайди.

Укитиш шаклларини индивидуаллаштириш билан интеграциялаш шароити яратилади.

- Индивидуаллашган таълим укув жараёни сифат ва самарадорлигини таъминлайди.
- Индивидуаллашган таълимда куникма, малака, билим олиш укувчининг кизикиши асосида кечади.
- Мустакил ишлай олиш укувчининг умумукув куникмасини ривожлантиради, тараккий эттиради.

Демак, таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги укувчининг укув мазмунини узлаштиришга йуналтирилган мустакил мутолаа билан самарали шугулланиши, мустакил фикр юритиши ва тафаккур фаолияти билан боглик.

Интерфаол методларда даре жараёнини олиб боришда укувчиларда куйидаги хусусиятларнинг ривожланишини курсатиш мумкин.

• Укувчи укитилмайди, уни мустакил укиш, уР[ганиш,] ишлашга ургатилади.

• Бунда укувчилар мустакил равишда тахдил килиш оркали узлаштиришга, ижодий мулох,аза юритишга, шахсий хулосалар асосида эркин фикр юритишга ургатилади. Бизга ёт фикрларга карши фикр юрита олиш, уз позициясини химоя кила олиш куникмалари шакллантирилади.

• Укувчига билимлар тайёр холда берилмасдан, билимларни дарсликлардан, интернетдан, турли бошка манбалардан излаш, топиш, кайта ишлаш оркали унинг билим олиш малакаси шакллантирилади. Олган

билимлари оркали ижодий мушохада юритиш, имконияти яратилади. Укувчини дарсликлар билан ишлаш, укиш, урганиш, конспект ёзиш, кушимча адабиёт, справочниклардан фойдаланиб мустакил узлаштириш куникмаларини эгаллашга ургатилади.

• Синфдаги барча укувчиларнинг уз кобилиятлари даражасида албатта узлаштиришлари кафолатланади. Бунда укувчининг узлаштирганлиги олган билимларини хаётда, амалий фаолиятда фойдалана олиш куникма ва мал акал ари билан белгиланади.

• Барча укитувчи-укувчилар интерфаол методлар асосида ишлашни урганиб, уни уз укув-билув фаолиятларига олиб кира олсалар барча укувчилар бир хил натижаларга эриша оладилар.

• Интерфаол асосда даре жараёнини ташкил этилганда:

1. Укувчининг узаро фаоллиги ошади, хамкор, ижодкорликда ишлаш куникмалари шаклланади.
2. Укув режа, дастур, дарслик, стандарт меъёр, кулланмалар, мавзу мазмуни билан ишлаш малакалари шаклланади.
3. Таълим мазмунини, матнини мустакил мутолаа килиш, ишлаш, узлаштириш кундалик шахсий ишларига айланади.
4. Укувчи эркин фикр билдириш, уз фикрини хдмоя килиш, исботлай олиш, тасдиклай олишга одатланади.
5. Энг мухими укув жараёнида дидактик мотивлар вужудга келади. Яъни укувчининг эхтиёж, хохиш, истаги кондирилади. Укув-билув жараёнида укувчининг манфаатдорлиги ошади. Бу холат укувчини у$^{к}$У$^{в}$ максадларига эришишда юкори боскичга кутаради.

Укув жараёни укув эхтиёжини кондириш билан юкори мотивацияга эга булади.

• Узаро ахборот бериш, олиш, кайта ишлаш оркали укув материали яхши эсда колади.

• Укувчида узаро мулокотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашиниш куникмалари шаклланади.

• Укув жараёнида - - укувчининг уз-узига бахо бериши, танкидий караши ривожланади.

• Укувчи учун даре кизикарли укитилаётган предмет мазмунига айланади, укиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобий фикр намоён булади.

• Хар бир укувчини узи мустакил фикр юрита олишга, изланишга, мушохдда килишга олиб келади.

• Интерфаол усулда утилган дарсларда укувчи факат таълим мазмунини узлаштирибгина колмай, балки узининг танкидий ва мантикий фикрлашини хдм ривожлантиради.

Албатта интерфаол дарсларни ташкил этишнинг хам узига яраша камчиликлари мавжуд.

1. Укув-билув жараёни куплаб вакт сарфлашни талаб килади.
2. Интерфаол машгулотларда барча укувчиларни кераклигича назорат этиб боришнинг имконияти булавермайди.
3. Жуда мураккаб материаллар урганилаётганда укувчилар муаммони

тулаконли, аник еча олмайдилар, бундай шароитларда укитувчининг роли паст булиши холлари кузатилади.

*Интерфаол метод нима ёки нимани англатади?*

Интерфаол методлар шундай методларки у укувчиларнинг узаро мулокот ва узаро таъсиридаги даре жараёнини амалга оширувчи усул • "Интерактив" сузи инглиз сузидан олинган булиб, "1п1егак1", яъни 1п1ег - бу "узаро", "акт" - "харакат, таъсир, фаоллик" маъноларини беради.

Интерфаол усуллардаги дарслар укувчини ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда хдл этишга, фикрни эркин баён этишга, ташаббускорликка, Гурухларда масалалар ечимини топишга, хамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлайди.

Интерфаол методларда иш юритиш, анъанавий усуллардан воз кечиш дегани эмас. Балки мазмунни узаро фаолликда хал эта олиш демакдир. Интерфаол таълимни куйидаги схемада келтирамиз:

интерфаол таълим!

ФАОЛ УСУЛЛАР ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМ

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ

кРЕАТИВ ТАЪЛИМ ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ

ТАЪЛИМДА АКТ

Энди интерфаол методларга батафсил тухталамш

Х,озирда янгича методларни ёки инновацияларни таълим жараёнига татбик; этиш хакида гап борганда интерфаол усулларнинг укув жараёнида кулланилиши тушунилади.

Интерфаоллик бу узаро икки киши фаоллиги, яъни бунда укув-билув жараёни узаро сухбат тарикдсида, диалог шаклида (компьютер алокаси) ёки укувчи-укувчининг узаро мулокотига асосан кечади.

Интерфаоллик-узаро фаоллик, харакат, таъсирчанлик, у укувчи ва укитувчи мулокотларида содир булади. Интерфаол усулнинг бош максади укув жараёни учун энг кулай вазият яратиш оркали укувчининг фаол, эркин фикр юритишига мухит яратишдир. У узини интеллектуал салохиятини,имкониятларини намоён этади ва укув сифати ва самарадорлигини оширади, таъмин этади.

***"Ақлий хужум" методи***

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффицентин оширишга мулжалланган турли хил методлар ишлаб чикилмокда. Вахоланки мутахассисларнинг фикрича, миянинг бор-йуги 7% игина ишлар экан, холос Мия фаолиятини фаоллаштирадиган таълим усулларига ижтимош психологик тренинг, синектика, аутоген машк,, морфологик тахлил, ролл уйин, "акдий хужум" ва бош^алар киради.

"Акдий хужум" - "брейнсторминг" (Ьга1п 51огтт§) инглизча сузда олинган булиб, фаол таълимнинг, бошкдрувнинг ва тадк;икотнин методларидан бири хисобланади. Бу метод акдий фаолликни кузгатад» ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо булиши иккинчи жахон урушида Япон денгизид

Мактабда укитиладиган бошка предметлар катори, тарих укитишда укув-трбия ишларининг асосий ташкилий формаси дарс эканлигини юкорида куриб утган эдик. Укувчилар укув материалларини асосий мазмунини синфда дарс давомида узлштириб олади. Бирок тарих программасидан урганишга зарур булган булим ва млакаларнинг хаммасини хам дрс машгулотлри доирасига сингдириб булмайди. Бунинг устига тарихий билим, илмий ва сиёсий информациялар хажми тез кенгайиб, мутасил ошиб бораётган шароитда укувчилар уз билимларини тинмай тулдира боришлари учун синфдан ташкари ишларни яхши йулга куйиш гоят зарурдир.

Тарих севиб утиладиган фандир. Уни урганиш жараёнида укувчиларда утмишни пухта билиб олиш тилаги орта боради, улардаги бу тилакни синфдан ташкари ишларни яхши йулга куйиш билангина бажариш мумкин.

Тарих предмети юзасидан синфдан ташкари ишларни мазмуни, форма ва моделлари методик адабиётда турлича классификация килинади. Маълумки укувчилар факат дарсликни утиш билангина чекланиб колса, уларнинг билим доираси ва утмиш хакидаги тасаввури тор булиб колади. Шуни эътиборга олиб, В.Н.Бернэдский синфдан ташкари ишларнинг асосий

формаси сифатида кушимча укишни тавсия килади.

1. Кушимча китоб укиш. У тарихдан укиладиган китобларни уч группага булади: а) Илмий оммабоп китоблар. б) Тарихий бедлитристика. в) Тарихга оид бадиий адабиёт.
2. Кушимча суратлар куриш.
3. Коллектив булиб театр ва киноларга бориш хамда уларни биргаликда мухокама килиш.
4. Тарихий кечалар уюштириш.
5. Тарихий инсцериовка ёки пеъсалар куйиш.
6. Мактаб тарихий кургазмаларни ташкил этиш.
7. Олисдаги тарихий жойларга экскурсия уюштириш.

В.Н.Бернадский фикрича, укувчилар синфдан ташкари кушимча китоб укиб, филмлар куриб, радио, лекциялар эшитиб, олган билимлари ва тасаввурлари амалий фаолият билан кушиб олиб бориб хосил килинган такдирдагина кузланган максадга эришилади, мустакиллик, ташаббус ва ижодий ишлаш кобилиятини устира олади.

Кейинги 8 йил ичида Узбекистон мактабларида синфдан ташкари ишлар кулами кенгайди, мазмунан бойиди, иш реформалари купайди. Синфдан ташкари ишлар ташкилий хужжатдан оммавий ва тугарак ишларига булинади: Узининг илмий тадкикий асарларида синфдан ташкари ишларнинг назарий масалаларини синфдан ташкари ишларнинг асосий бошлангич формаси - оммавий ишлар эканлигини исбот кила борган. А.Ф.Родин синфдан ташкари ишларнинг оммавий формасига: овоз чикариб укиш, хикоя килиш, лекция укиш тарихий вокеаларнинг иштирокчилари ва илгор кишилар билан учрашувлар утказиш, кинофильмлар, пеъсалар куриш, экскурсия ва походлар уюштириш укув конференциялари, кечалар ва утренниклар, конкурслар ташкил килиш, олимпиадаларда иштирок этиш, улка бурчаги ва мактаб кургазмаларини ташкил этиш Узбекистондаги бошка мактаблар ва чет эллик дустлар билан хат ёзишиб туриш ва бошкалар киритади. .Ф.Радиннинг тарих таълимида синфдан ташкари ишлар сохасидаги тадкикотларнинг яна бир кимматли томони шундаки, уларда синфдан ташкари ишларни, укувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолияти билан махаллий ёдгорликларнинг мухофаза килиш, гражданлар уруши, Улуг Ватан уруши ва дустлик кабристонларининг парваришига карашиб туриш, ахоли орасида турли хил темаларда лекция ва сухбатлар уюштириш, газета, журналлар укиб бериш ва хоказо.... билан боглик олиб бориш зарурлиги такидланган.

Методист А.А.Вагин тарих таълимида синфдан ташкари килинадиган иш методлари сохасида кейинги йилларда орттирилган илгор тажрибаларни умумлаштириб, уларни уч группага булади.

1. Огзаки метод.

Синфдан ташкари бу группасига укитувчининг химоя килиб бериш, овоз чикариб укиш, юкори синфларда эса укитувчининг дарсдан кейин буладиган лекцияси киради. Синфдан ташкари ишларда укувчиларнинг активлигини ва мустакиллигини ошириш максадида укувчилар хам огзаки

сузлаб бериш методидан фойдаланади. Укувчилар тугараги тарихий ва ахоли орасида кискача ахборотлар, доклад ва рефератлар билан катнашадилар, мунозараларда, назарий конференцияларда, тарихий материаллар(китоблар, кинофильмлар ва пеъсалар) мухокамасида иштирок этадилар.

2. Ёзма ва босма манбалар билан ишлаш методи.

Синфдан ташкари ишларнинг бу турига кушимча китоб укиш, кушимча адабиёт-тупламлар, хрестоматиялар, архивлардаги хужжатлар ва бошкаларни урганиш, вактли матбуотнинг урганувчилар тугараги, "ёш архивчилар тугарагини" барпо килиш, "Китоб ва унинг тарихи" деган темада кеча ташкил этиш, халк огзаки ижодига доир материалларни туплаш, тарихий вокеаларнинг шохидлари ва иштирокчиларининг хикояларини ёзиб олиш, улар билан хат ёзишиб туриш, тарихий хужжатларни урганиш каби ишлар киради.

3. Курсатмали материаллар билан ишлаш методи.

Иллюстрация ва диапозитивларни курсатиш, фильмларни куриш материалларини урганиш каби дарсда бошланган ишлар синфдан ташкари давом эттирилади. Бундан ташкари экскурсиялар, поход ва экспедициялар давомида тупланган материаллар нусхасини купайтириш, расмга олиш, шу материаллар асосида моделлар ясаш ва намойиш килиш хам шу группага доир ишлар каторига киради. Бу ишлар хам синфдаги ишлар билан боглаб олиб борилади. Гап шундаки, укувчилар дарс жараёнида эгаллаган куникма ва малакаларни синфдан ташкари ишларда янада ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар.

Синфдан ташкари ишларнинг мазмуни, форма ва методлари. Укувчиларнинг иши, билим ва малакалари, уларнинг индивидуал мойиллигига ва кизикишларига караб, тарих таълимида синфдан ташкари ишларнинг куйидаги асосий ташкилий формалари мавжуд.

1. Тарих тугараги (ёки тарихий-улкашунослик, тарихий-сиёсий тугарак.
2. Тарих (ёки тарихий-улкашунослик жамияти)
3. Синфдан ташкари тарихий ёки тарихий улкашунослик экскурсиялари, коллектив булиб театр ва кинога бориш.
4. Узок жойларга тарихий-улкашунослик экскурсиялари.
5. Археологик экспедицияга катнашиш.
6. Тарихий ёки улкашунослик бурчаклари, музейлар.
7. Тарихий, тарихий-улкашуносликка багишланган тематик кечалар ёки (тарих-жамияти, тугарак иши хакида, узок жойларга уюштирган походлар ва археологик ишлар хакида кечалар.
8. Хисобот ёки тематик кургазмалар.
9. Юкори синф укувчилари учун мактаб декторияси, дектория бюроси, пропагандистлар учун семинарлар, сухбатлар.
10. Тарихий конференциялар, мунозара ва мухокамалар.
11. Мактаб укувчиларининг тарихий вокеаларнинг катнашувчилари ва шохидлари, ёзувчилар ва ижтимоий арбоблар билан учрашувлар.
12. Тарихий бюллетень, деворий газета ва кулёзма журналлари.

13.Синфдан ташкари укишлар.

Куриниб турибдики синфдан ташкари ишларнинг формалари турли-туман, мазмунан бой, хатто мактаб тарих курсининг тематикасидан четг чикиши хам мумкин. Шуни айтиш керакка синфдан ташкари ишларнинг мазмуни канчалик бой ва турли-туман формаларда олиб борилмасин, улар бир максадга: таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишга хизмат килади.

Мактабда ташкил килинган тарих тугараги (ёки тарихчилар жамияти) синфдан ташкари килинадиган барча оммавий ишларни уюштириш маркази ва унинг энг ихчам формасидир.

Синфдан ташкари ишлардан кузатиладиган маъсулиятли вазифаларнинг муваффакиятли бажарилиши укитувчининг укувчиларни шу марказга жипс-жам кила ва унингишларига тугри бошчилик кила олишларига богликдир.

Кушимча укиш синфдан ташкари ишларнинг мухим формасидир. Бу иш укувчиларга китоб укишни таргиб килиш, унинг ахамиятини тушунтириш, китобга кизиктиришдан бошланади.

Синфдан ташкари укишни ташкил этишда укувчиларнинг ёши, билими хамда малакалари эътиборга олиниши лозим. Укитувчи укувчиларнинг янги чиккан китоблар хакида уларни хабардор килиб туради. Тарихий темаларда утказиладиган кечалар синфдан ташкари ишларнинг мухим ташкилий формаси булиб, уларнинг асосий вазифаси хар хил санъатнинг воситалари (бадиий укиш, музика, ашула, инсуенировка) ёрдамида укувчиларга тарихий фактлар, вокеалар хамда ходисаларнинг мазмуни, ахамияти ва ахамиятини уюштиришдан иборат. Хозирги вактда тарихий темалардаги кеча ва эрталиклар мактаб тажрибасида кенг кулланилмокда.

Тарихий темалардаги кеча ва эрталиклар мактаб тажрибасида кенг кулланилмокда.

Тарихий темалардаги кеча ва эрталиклар олдига куйидаги талаблар куйилади.

1. Мактабда утказиладиган кеча ва эрталиклар укувчиларни ахлок, ватанпарварлик, халклар дустлиги, мехнатсеварлик, ижтимоий мулкни каттик куриклаш, умуман инсоний фазилатларни ривожлантириш рухида тарбиялашга ёрдам бериш лозим.
2. Утказиладиган хар бир кеча ва эрталик укувчиларнинг оммавий байрамига айлансин; уша иштирок этган хар бир укувчи узининг кобилият ва талантини намойиш килсин.
3. Кечанинг кунгилли утишига эришиш лозим. Унинг марокли утиши учун характериг караб, турли темаларда докладлар тинглаш, шеърхонлик килиш, тарихий вокеаларнинг катнашувчилари билан учрашувлар ташкил килиш мумкин. Хар бир кеча албатта бадиий кисм (ашула, музика, инсценировка) билан якунланади.

Савол ва топшириклар:

1. Синфдан ва мактабдан ташкари ишлар деганда нимани тушунасиз?

2. Музей нима?
3. Тарихий обидаларни кандай ургатиш мумкин?
4. Олимпиада нима? кабилар.

- Мавзу юзасидан узингиз тест саволларини тузиб, ишлашга урганинг утилган мавзулар билан янги мавзуни богланг.

Курс бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари

1. Каримов И.А.Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман (Президент Ислом Каримовнинг “Fidokor” газетасининг мухбири саволларига жавоблари) - Т., 2000 йил.

2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т., “Шарқ”, - 1997 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўплами.- Самарқанд, 1999 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм.- Тошкент, 1998 йил.

5. Қурбонов Ш. ва бошқалар.Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар) - Т.; “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998 йил. -184 б.

6. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси 2-Махсус сон, 1999 йил. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Т., “Шарқ”, 1999 й.

7. Адам М. ДреерПреподование в средней школе США / Проблемқ начинающих учителей.// Перевод с английского, общая редакция и вступительная статья кандидата педогогических наук В.Я.Пилиповского - Москва, “Прогресс”, 1983, -287 стр.

8. Краснобоев Б.И.Методика преподавания истории. Методические указания. -М., Изд-во Моск. ун-та, 1978. -58 с.

9. Набиев А., Бўриев О., Шаймардонов И.Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1996, -127 с.

10. Раҳматуллаев Т.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда археология материалларидан фойдаланиш: (Ўқитувчилар учун қўлланма). -Т. “Ўқитувчи”, 1994. -96 й.

11. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи дарсларида архив материалларидан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1995 й. -127 б.

12. Сафоева Э., Шоймардонов И.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш (Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун). -Т.: “Ўқитувчи”, 1993. -80 б.13. Саъдиев А.С.Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш: Педагогика олий ўқув юртлари тарих куллиётларининг талабалари учун қўлланма. -Т.: “Ўқитувчи”, 1993 й. - 160 б.

14. Саъдиев А.С.Мактабда тарих ўқитиш методикаси. -Т., “Ўқитувчи”,

1978, -208 б.

15. Тошпулатов Т., Ғаффаров Я.Тарих ўқитиш методикаси.-Т., “Университет”, 1999, -58 б.

Фойдаланилиши зарур бўлган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Маърифат” газетаси, 1998 йил 19 август.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.

4. Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3- жилд.

5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996 й.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари.-Т., “Ўзбекистон”, 1997 й.

7. Каримов И.А.Ўзбекистон Буюк келажак сари.- Т., “Ўзбекистон”, 1998 й.

8. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.. “Ўзбекистон”, 1999 й.

9. Каримов И.А.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.“Маърифат”, 1999 йил 6 март.

10. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.-Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.11. Каримов И.А.Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин.-Т., “Ўзбекистон”, 1998 йил.

12. Каримов И.А.Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил

13. У. Жўраев ва бошқ.Жаҳон тарихидан ҳикоялар.-Т., 2000 йил.14. Б. Аҳмедов.Ватан тарихидан ҳикоялар.-Т., 1998, 1999, 2000 йиллар.

15. Ватан туйғуси “Шарқ”-Т, 2000 йил.

16. А. КабировЖаҳон тарихи.-Т., 2000 йил.

17. А. Саъдуллаев ва бошқ.Ўзбекистон тарихи.-Т., 1999, 2000 йиллар.

18. А. Муҳаммаджонов ва бошқ.Ўзбекистон тарихи.-Т., 1999, 2000 йиллар.

19. Т. Салимов ва бошқ.Жаҳон тарихи.-Т., 2000 йил

20. Т. Қурбонов ва бошқ.Маънавият асослари.-Т., 2000 йил.

21. А. СулаймоноваТасвирий санъат (ўқув қўлланма)-Т., 2000 йил

22. Н. Норқулов ва бошқ.Ўзбекистон тарихи.-Т., 2000 йил.

23. Р. ФармоновЖаҳон тарихи.-Т., 2000 йил.

24. О. Каримова ва бошқ.Давлат ва ҳуқуқ асослари (тавсиянома)-Т., 2000 йил.

25. Б. Пўлатова ва бошқ.Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари.(услубий қўлланма)-Т., 1999 йил.

26. Ж. Раҳимов Ўзбекистон тарихи.-Т., 1999-2000 йиллар.

27. М. ЛафасовЖаҳон тарихи.-Т., 2000 йил.

28. М. Лафасов ва бошқ.Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи,

моҳияти ва бугунги хавфи.(ўқув қўлланма)-Т., 1999 йил.
29. А. Мансур ва бошқ.Ҳадис илми сабоқлари.-Т., 1999 йил.
30. Д. Алимова ва бошқ.Ўзбекистон тарихи.-Т., 2000 йил.
31. Г. Ҳидоятов.Жаҳон тарихи. (1914-1945 й.й.)-Т., 2000 йил.
32. Н. Жўраев ва бошқ.Ўзбекистон тарихи.-Т., 1998, 2000 йиллар.
33. Г. ҲидоятовЖаҳон тарихи. (1945-1999 й.й.)-Т., 2000 йил.
34. Симона Роберто, А. Ҳукумов ва бошқ.Инсон ва жамият.(қўшимча ўқув қўлланмалар)-Т., 1998, 1999 йиллар.35. Муҳамммаджонов А.Ўзбекистон тарихи (V асрдан XVI аср бошларигача).-Т., “Ўқитувчи”, 1996 йил.
36. Муқминова Р.Г. ва бошқ.Ўзбекистон тарихи (XVI аср - XIX асрнинг биринчи ярми).-Т., “Ўқитувчи”, 1994 йил.
37. Бобобеков Ҳ. ва бошқалар.Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошлари).-Т., “Ўқитувчи”, 1995 йил.
38. Ражабова Р. ва бошқалар.Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар)
-Т., “Ўқитувчи”, 1994 йил.
39. Раҳимов Ж.Туркистоннинг забт этилиши (фото, архив ҳужжатлар мажмуаси).-Т., 1990 йил, ЎзПФИТИ нашриёти.
40. Маҳкамов А. ва бошқ.Расмларда Ватан тарихи.(Ўзбекистон тарихидан лавҳалар).-Т., 1995 йил.
41. Мустақил Ўзбекистон тарих силсилаларида (маълумотнома)-Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1992 йил.
42. Кабиров А., Коровкин Ф.Жаҳон тарихи (энг қадимги даврлардан милоднинг V асригача).5-6-синфлар учун дарслик.-Т., “Ўқитувчи”, 1995 йил.
43. Агибалова Е. В., Донской Г.М., Салимов Т.У.Жаҳон тарихи (V-XVII асрлар).7-синф учун дарслик.-Т., “Ўқитувчи”, 1995 йил.
44. Новейшая история XX века.-М., 1998 йил.
Эслатма: Ушбу дарслик ва қўлланмалардан тарих фанига қўйилаётган ҳозирги давр талабларига асосланган тарзда фойдаланиш тавсия этилади.

Қўшимча адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов Б.Амир Темур.-Т., 1996 йил.
2. Аҳмедов Б.Ўзбек улуси.-Т., “Халқ мероси”, 1992 йил.
3. Аҳмедов Б.Ўзбекистон халқларга тарихи манбалари.-Т., “Ўқитувчи”, 1991 йил.
4. Амир Темур.Зафар йўли.-Т., “Нур”, 1992 йил.
5. Абулғози Б.Шажараи турк.-Т., “Чўлпон”, 1992 йил.
6. Бобобеков Ҳ.Қўқон тарихи.-Т., “Фан”, 1996 йил.
7. Бердимуродов А.Гўри Амир мақбараси.-Т., “Чўлпон”, 1992 йил.
8. Бобур.Бобурнома.-Т., “Юлдузча”, 1989 йил.
9. Буюк сиймолар, алломалар.-Т., “Халқ мероси”, 1995, 1996, 1997 йиллар1, 2, 3 қисмлар.
10. Вамбери Ҳерман.Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи.-Т., “Ғ.Ғулом”, 1990 йил.
11. Жаббров И.Ўзбек халқ этнографияси.-Т., “Ўқитувчи”, 1994 йил.

12. Жавлиев Г.Анъаналар ҳаёт сабоғи.-Т., “Ўзбекистон”, 1992 йил.
13. Зиёев Ҳ.Ўрта Осиё ва Волга бўйлариXVI асрнинг иккинчи ярми — XIX асрлар.-Т., “Фан”, 1995 йил.
14. Зиё А.Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т., “Шарқ”, 2000 йил.
15. Жўраев Н.Агар огоҳ сен...-Т., “Шарқ” нашриёти, 1998 йил.
16. Левитин Л. ва Карлайн Д.С.Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти.-Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
17. Ибн Арабшоҳ.Амир Темур тарихи.-Т., “Мерос”, 1992 йил.
18. Иброҳимов А. ва бошқ.Ватан туйғуси.-Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
19. Иброҳимов А.Бизким ўзбеклар...-Т., “Шарқ”, 1999 йил.
20. Кабиров А., Сагдуллаев А.Ўрта Осиё археологияси.-Т., “Ўзбекистон”, 1990 йил.
21. Маҳмуд Саттор.Ўзбек удумлари.-Т., “Фан”, 1993 йил.
22. Мўминов И.Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.-Тошкент, 1968 йил.
23. Миркарим Осим.Карвон йўлларида.-Т., “Ғ. Ғулом”, 1987 йил.
24. Муродов Х.Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан.-Т., “Фан”, 1993 йил.
25. Муҳаммад Наршахий.Бухоро тарихи. “Мерос” туркумидан.-Т., “Камалак”, 1991 йил.
26. Муҳаммад Солиҳ.Шайбонийнома.-Т., 1990 йил.
27. Насимхон Раҳмон.Турк ҳоқонлиги.-Т., “Халқ мероси”, 1995 й.
28. Набиев А.Тарихий ўлкашунослик.-Т., “Ўқитувчи”, 1996 йил.
29. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.-Т., “Ўқитувчи”, 1995 йил.
30. Самарқанд тарихи. 2 томлик.-Т., “Фан”, 1970 й.
31. Сомон йўли. (Амир Темур ҳаётига бағишланган). -Т. “Камалак”, 1992 й.
32. Темур тузуклари. -Т., “Мерос”, 1991 й.
33. Тошкент энциклопедияси. - Т., Қомуслар бош муҳарририяти, 1997 й.
34. Ҳидоятов Г.А.Менинг жонажон тарихим.- Т., “Ўқитувчи”, 1992 й.
35. Ўзбекистон Республикаси.- Т., Қомуслар бош муҳарририяти, 1997 й.
36. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 1992 й.
37. Қиличев Т.Кўҳна қалъалар диёри.- Т., “Ўқитувчи”, 1993 й.
38. Усмонов Қ. Ўзбекистон, мустақиллик одимлари.- Т., “Ўзбекистон”, 1994 й.

11-Мавзу.Тарих укитувчисининг дарслик тексти билан ишлаши.

Режа:

1. Тарих дарслиги тексти устида ишлаш.
2. Текст устида ишлаш махорати кандай шаклланади?

Таянч тушунчалар:

Укитиш методлари, курсатмалилик, таълим воситалари, дарслик тексти.

Дарслик тексти аввал укитувчининг программа талаби асосида буладиган баён мазмунининг асосини ташкил килади. Укитувчи узининг баёнини бошка текстлар асосида янада конкретлаштиради, бойитади. Дарслик тексти укувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташкари вактларда тарихни урганишни, уларни билиш фаолиятини тарихий билимларни узлаштириши ва эсда саклаб колишини, ижодий изланишларини олиб боришини ва уйдаги ишларни ташкил килишнинг мухим манбаидир. Уларга берилган саволлар, топшириклар, хужжатлар бадиий ва дидактик материаллар тарих курсининг мазмунини ижодий узлаштиришга ва амалиётда куллашга ургатади.

Дарслик текстининг бу имкониятларидан тулик фойдаланиши укитувчининг мазкур ишни канчалик даражада педагогик жихатдан тугри ташкил кила билишига боглик. Дарслик тексти устида ишлаш укув материалларини узлаштириш ва уни эсда саклаб колиш, урганилган билим ва малакаларни кайта эсга солиш, ривожлантириш, укув текстини тахлил килиш ва ундан тарих ходиса ва вокеаларнинг мухим белгиларини топиш, фактик материалларни ва тарихий материалларнинг, фактларнинг мухим белгиларини бир-бирига таккослаш конкретлаштириш ва умумийлаштириш каби тули хил максадларда олиб борилади.

Шунингдек хронолгияни урганиш ва уни эсда саклаб колиш, дарслик материали буйича тайёр тарихий тушунчалар тарихини узлаштириш ва уларни мустакил аниклаш, дарсликда баён килинган вокеа ва ходисаларнинг ривожланиб боришини кузатиб бори, янгиликларни аниклаш, текстдаги мавжуд ижтимоий ривожланишнинг тендецияларини билиб, текстни укишда махаллий, вактли сабаб-натижали ва тарихий алокаларни конуниятларини узлаштириш ва конкретлаштириш, маълум булган тарихий конуниятларни янги дарс материали асосида куздан кечириш, текст устида укувчиларининг лугат ишларини олиб бориш, текстни урганишда унга мураккаб булмаган ёзув ва графика ишларини, мазмунли ва сифатли режалар тузиш, таблица ва бошкаларни олиб бориш, текст устида программалашган таълим элиментларини амалга ошириш каби вазифалар хам кузда тутилади.

Дарслик тексти устида ишлашнинг куйидаги усуллари мавжуд:

1. Тушунтириш ва изохлаб укиш. масалан: Кадимги дунё тарихини укитишни дастлаб ойларида укитувчи хаммасини ёки унинг бирор булимини баён килиб беришни, дарслик текстини тушунтириб укиш усули билан навбатма-навбат алмаштириб туради. Укитувчи маълум максад билан хикоясини тухталиб, текстнинг мураккаб жойларини овоз чикариб укийди, укувчилар эса уни текст буйича кузатиб боришади, унга мураккаб булмаган образларни укувчиларнинг узларига хам укитиш мумкин. Текстни укиш жараёнида укувчиларни тушуниш даражаси текширилади.

Масалан: Кани Рустам мана бу абзасдаги энг кадимги одамлар тудаси

деган жумлани кандай тушунасан? Энг кадимги одамлардан хозирги одамларнинг фаркичи? Яъни укитувчи тез-тез дарслик текстига мурожаат килиб, янги сузларни, жумлаларни номларини тушунтириб беради. Бунинг энг ахамиятли томони укувчи дарснинг узида янги материалнинг мазмунини мустахкам узлаштириб олишга эришади.

Укувчилар тарихий материални тушуниб укиш сохасида маълум даражада малакага эга булганларидан кейин, текстни яхшилаб тушунтириш урнини, унинг энг мухим жойларини изохлаб укишга утилади. Албатта изохли укиш хам укитувчининг баёни билан бирга олиб борилади. Укитувчининг уз баёни давомида дарслик текстига турли максадларда, турли усуллар ёрдамида мурожаат килиши, хусусан текстдаги айрим мураккаб жойларини изохли укиш XI синфнинг охиригача давом этади.

2. Укитувчининг уз баёнида дарслик текстидаги баъзи жумла ва иборалардан фойдаланиб, укувчилар диккатини уларга жалб этиши, уларни текст мазмунини енгил ва пухта узлаштириб олишларининг мухим воситаси булиб хизмат килади. Масалан: Кадимги дунё тарихидан "Чорвачилик ва дехкончиликнинг бошланиши" - деган мавзуни хикоя килиб бераётганда дарсликдаги дехкончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши ибтидоий одамлар хаётида жуда катта ахамиятга эга булганлиги хакидаги мухим жумлаларга укувчиларнинг диккати жалб килиниб, сунгра уларнинг маъноси тушунтириб берилади.

3. Дасрлик тексти мазмунини узлаштиришда унинг хар бир парагрифини тахлил килиш ва уларнинг устида укувчиларнинг фикр юритишини уюштириш катта ахамиятга эгадир. Б усуллардан бири укувчиларнинг дарсда утиладиган параграф тексти муаммоси ва уни тематик уструктурасини ажрата билишига ургатишдан иборатдир. Масалан: Мана бу обзацда нима хакида гапирилган? Унга кандай сарловха куйса булади? Бу йул билан укувчилар текстни эътибор билан укиб, ундаги бош масалаларни иккинчи даражали масалалардан ажратиб олишга, улар асосида план тузишга урганилади.

4. Укувчиларни боб, параграф ва унинг пунктларини бир-биридан ажрата билишга ургатиш.

Укитувчи янги материални баён килишдан олдин укувчиларга дарсликдаги парагрфларнинг пунктларини - сарловхаларини укишни тавсия этади ва дарсни баён килишлари билан таништиради, уларни мазмуни ва ифодаланишидаги тафовутларнинг сабабларини изохлаб беради. Укитувчи узининг баёни давомида темачаларга яна бир неча бор кайта-кайта мурожаат килиши мумкин. Айникса янги тушунчалар киритилганда.

5. Дарслик текстининг бевосита узини мазмунини узлаштириш билан боглик булган ишлар.

Бу хилдаги ишлар дарслик тексти устида олиб бориладиган ишнинг марказий масалаларини ташкил килади. Бу ишлар текстни тахлил килиш, умумлаштириш, тарихий фактларга бахо бериш, улар уртасидаги сабаб ва бошка алокаларни очиб бериш, уларни солиштириш ва таккослашдан иборатдир. Бу ишлар куйидаги методик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

а) Хар бир параграф ёки темачалар мазмунининг энг мухим масалалари буйича контрол суроклар туздириш ёрдамида.

б) Укитувчи томонидан куйилган саволларга укувчилар дарслик текстидан жавоб топтириш йули билан Масалан, яъни: Шу параграфдан кузгалоннинг енгилиш сабабларига ёки унинг ахамиятига доир жойини топинг.

в) Укитувчининг хулосасини тасдикловчи фактларни дарслик текстидан топтириш.

г) Дарслик текстида баён этилган вокеаларнинг ухшашликларини, фаркларини аниклаш.

д) тасдиклаб беришни талаб киладиган вазифалар.

6. Дарслик устида ишлашнинг мухим боскичларидан бири- укувчиларни уй вазифасини бажаришга ургатишдан иборатдир. Укитувчи уй вазифасини топширишда укувчиларни билими ва малакаларини эътиборга олиши лозим. Режа тузиш, берилган саволларга жавоб топиш, таблица, схема туздириш каби уй вазифалари укувчининг мустакил ижод килишини намунаси булиб хисобланади.

7. Укувчиларни дарслик тексти билан материал сифатида фойдаланишга ва ундан зарур жойни тез топа билишга ургатиш хам жуда катта таълимий ва амалий ахамиятга эга.

8. Укувчиларни актив аклий фаолиятининг мухим методларидан бири, уларнинг укитувчи томонидан баён килинган янги материални узлаштириш мавжуд билимларни ишга сола билишдан иборатдир. Яъни, укувчини олган билимини эсдан чикариб юбормасликлари учун уларни эътиборини дарслик текстига жалб килинади.

9. Уй вазифасини текширишда хам укувчиларни огзаки, ёзма жавобидаги хатоларни, аник булмаган жойларни тугирлаш учун хам дарслик текстига мурожаат килиш мумкин. Дарслик текстидаги ишлар турли методик усуллар ёрдамида укитиш жараёнининг барча боскичларида, кабул килиш, узлаштириш, мустахкамлаш, тарихий материални куллаш ва уни текшириш пайтларида олиб борилади.

Текшириш ва уз-узини назорат килиш учун саволлар:

1. Дарслик тексти устида кандай ишлаш керак?
2. Текстлар кандай турларга ажратилади?
3. Укувчида текст устида ишлашда кандай вазифалар юкланади?

12-Мавзу. Тарих укитувчисининг дарсда тарихий хужжатлар билан ишлаши.

Режа:

1. Тарихий хужжатлар турлари.
2. Тарихий хужжатлар билан ишлаш махорати.

Таянч тушунчалар:

Укитиш методлари, огзаки баён, курсатмалилик, таълим воситалари, тарихий хужжатлар, ёзма маънбалар, моддий маданият буюмлари.

Илгор укитувчи методистлар укитишнинг тарихий хужжатлар асосида урганишнинг реал методини таклиф этиб, уни дарсликлар асосида укитишнинг догматик усулига карама-карши килиб куядилар. Купчилик тарихий хужжатларни мустакил урганиш гоясини методист Рожков давом эттириб, тарихий манбалар асосида урганишнинг "лабаратория" методини олга сурди.

Бирок бу методнинг тарафдорлари хам укувчиларнинг тарихни мустакил урганиш холатларига ортикча бахо бериб юборган эдилар. Лабаратория ва текшириш методларининг камчиликлари собик иттифок даврида оммавий равишда кулланган вактда яккол ташланди.Кейинчалик лабаратория ва тадкикот методларини укитишнинг бош методи эканлиги хакидаги нотугри фикрни инкор этиш билан бирга тарихий хужжатлар билан ишлаш тарих укитишнинг мухим усулларидан бири эканлигини исботлаб берди. Тарихий хужжат аввало, укитувчининг баёнини конкретлаштириш, чукурлаштириш ва унга аниклик киритиш учун хизмат килади, унинг ишончи ва имоционал булишини таъминлайди, утмишни ёркин образларини, тарихий вокеаларнинг яхлит картинасини гавдалаштиришга, ургатилаётган даврнинг хусусиятларини аглаб етишга ёрдам беради.

Хужжат устида ишлаш укувчиларни фактлар ва ходисаларни мустакил равишда аниклашга, уларни англаш ва хулосалар чикаришга ургатади. Шунинг билан бирга хужжат пайдо булган вазиятни аниклашга ёрдам беради. Колаверса унинг синфий характерини ахамиятини билиб олишга ёрдам беради. Шундай килиб хужжатлар билан ишлаш укитувчи баёнини мазмунли, ишонарли ва имоционал булишини таъминлайди, уларнинг билиши фаолиятини фикрлашини активлаштиради.

Шу билан бирга тарихий хужжатлар билан ишлашнинг яна бир мухим томони шундаки, бу иш укувчиларни тарихий тадкикот методининг элиментлари билан хамда уларнинг тарихий хужжатларга танкидий караш зарурлиги билан хам тушунтиради.

Хозирги кунда хар бир синфдаги укувчиларнинг ёши, билим савияси ва уша синфда урганиладиган тарих курсининг хусусиятларига караб тарихий хужжатлар киритилган. Шу сабабдан хам дарсликда берилган хужжатларнинг характери, кулами мазмуни жихатдан бир-биридан фарки бор. Масалан: у синф укувчиларининг ёши, билими ва уларни тарихий хужжатлар билан биринчи маротаба танишишлари эътиборга олиниб,

дарсликлар асосан хикоя характеридаги хужжатлар киритилган.

Кадимги дунё тарихи дарслигига киритилган хужжатли манбаларни асосан 3 группага булиш мумкин:

1. Моддий маданият буюмлари.
2. Тасвирий санъат асарлари.
3. Ёзма манбалар.

1. Моддий маданият буюмларига-бурунги мехнат куроллари, курол яроклар, зеб-зийнатлар, уй-рузгор буюмлари, турар жойлар, кургонлар, мактаблар, кадимги шахар харобалари киради.

Укувчилар мехнат куроллари ва бошкаларга караб, одамларнинг машгулотларини, иморат ва кичик кулбаларга караб синфий булиниш мавжудлигини ва бошкаларни билиб оладилар.

2. Тасвирий санъат асарларига - Одамлар ва уларни бир-бирига муносабатини, одамлар ясаган буюмларни, гиографик, мухит тасвирлаб берувчи асарлар киради.

3. Ёзма манбаларга - Конунлар, буйруклар, шартномалар, сиёсий нутклар, суд хукмлари, хроникалар, йилномалар, хатлар ва бошка ёзувлар киради.

Асосан мактабларда хужжатлар билан ишлашнинг 2та усули мавжуд:

1. Дарсда тарихий хужжатлардан укувчининг баёнидан фойдаланиш.
2. Укувчиларни текст устида ишлашини ташкил килиш.

1. Укитувчи узининг баёнини конкретлаштириш максадида хужжатлардан олинган парча, жумла, ифодалардан фойдаланади. Яъни, салномачилар, замондошларнинг маълумотларига караганда - деган умумий иборалар билан чегараланиш хам мумкин. Тарихий хужжатлар укитувчи баёниниг асосли ва ишончли булишини таъминлайди. Агар хужжатларда таниш булмаган терминлар учраб колса, уларни доскага ёзиб, тушунтирилиши ва укувчиларни лугат дафтарчасига ёздирилиши лозим.

Дарсда укитувчининг топшириги билан укувчиларнинг хужжатлар устида мустакил ишлаши куйидаги 2та холатда мувафакиятли амалга оширилиши мумкин.

1. Хужжатлар укувчиларга мос ва тушунарли булган такдирда.
2. Укувчилар бу хилдаги ишлар билан таништирилган такдирда.

Тарихий хужжатлар асосида киска ахборот ва рефаратлар тайёрлаш ва бошкалар. Укувчиларнинг хужжатлар устида мустакил ижобий ишларига киради. Шундай килиб тарихий хужжатлар укитувчи баёнини конкретлаштиради. Унинг мазмунини чукурлаштиради, унга аниклик киритади, ишонарли ва имоционал булишини таъминлайди, укувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштиради, билимини пухта ва мустакил булишига ёрдам беради. Уларни укув ишларнинг янги усуллари, илмий тадкикот ишларининг элиментар формалари билан таништиради.

Текшириш ва уз-узини назорат килиш учун саволлар:

1. Тарих укитиш методлари кандай турларга булинади?
2. Тарих таълими воситаларини таърифлаб беринг.
3. Дарслик тексти устида кандай ишлаш керак?
4. Тарихий хужжатлар билан ишлаш кай тарика амалга оширилади?

13-Мавзу. Тарих укитувчисининг нутк маданияти.
(Нотиклик санъати)
ва унга куйиладиган талаблар.

Режа:

1. Нутк маданияти хакида тушунча.
2. Муаллим нутки.
3. Огзаки баён ва укитувчининг жонли нутки.

Таянч тушунчалар:

Нутк маданияти, муаллим нутки, жонли нутк, хикоя, мактаб маърузаси, кискача тарифлаш, тавсиялаш, характеристика.

1. Нутк маданияти кишининг умумий маданияти билан алокадордир. Нутк маданияти адабий тил нормаларига риоя килишида, гапни мазмун ва граматик жихатидан тугри тузишда намоён булади. Тил нормалари - муомилада асосий максадни баён этиш воситаси хисобланади.

Нутк маданияти хакикий фанлар, лексика, орфография, морфология, синтаксис, стилистика билан узвий боглик. Лекин олимлар яна бошка тил воситаларини хам кушимча килишадики, физика ва мазмунни белгилаши билан хам характерланади.

Нутк маданиятида 1-чи навбатда нуткнинг лексик маданияти характерланади. Агар кишининг суз бойлиги канча куп булса, унинг аник тугри, равон булади. Шу боис суз бойлиги нутк ва тил маданиятининг юксаклигидан далолат беради. Суз бойлиги нафакат унинг сонига, балки, каерда, кандай ишлатилишига хам боглик. Масалан: Синонимларнинг ишлатилиши, антоним, параним (талаб якин, маъноси хар-хил)

Укитувчининг нутки тушунарли булиши, оддий, киска булиши керак. Бир сузни куп такрорлайвериш нутк сифатини пасайтиради.

Нуткнинг граматик тузилиши хам НМ юксалтириш воситасидир. Бу сузларнинг тугри ишлатилиши, жойлаштириш, гап тузилиши кабилардир. Масалан: Кушимчаларнинг тугри ишлатилиши.

Нуткни тинглаган укувчи тилдан амалий фойдаланишни урганиб боради, унда муаллим нутк махорати намуна вазифасини утайди. Тингловчи укувчи муаллим таъсирида ахлок-одоб, маданият марраларини эгаллаб боради.

Тафаккур суз воситасида шаклланувчи булганида-ю, муаллим нутки ёрдамида янги-янги ахборотларни узлаштириб олади, маънавий бойийди.

Муаллим нуткининг узига хослиги яна шундаки, мулокот чогида у умум-истемолдаги сузлардан фойдаланса, билимларни баён килишда сохавий (фан техника) атамаларини ишлатади. Талабаларга тарбиявий таъсир кутказишда эса бадиий публицистик лексикани ишлатади.

Демак, муаллим суз бойлигини табакалаштириб фаолият курсатади. Нутк маданияти хакида фикр юритилганда, муаллимнинг факат гапириши эмас, балки ёзма фикр баён килиши хам тушунилади.

Тинглаб тушуниши:
укиши

Дарсда, дарсдан ташкарида укитувчи огзаки нутк малакаларини устиради. Уй вазифасини, дафтарни, контролни текшириш, доскага ёзиш чогида ёзма нутк муаллимга катта маъсулият юклайди. Синфда ёзма матнни овоз чикариб укиш махорат талаб килади.

Укувчини материални тула идрок этиши, тушуниш, эсда олиб колиш, узлаштириш, муаллим нутки билан бевосита боглик.

Юкорида айтганимиздек, укитувчи нутки учун уч тоифа тушунчаларни ифодалайди:

1. Умумистеъмол сузлар
2. Таълим-тарбияга оид атамалар.
3. Фан сохаси атамалари.

УМУМИСТЕЪМОЛ сузлар ишлатганда хатоларга йул куйиш холлари учрайди.У ёки бу лахжага хос сузлаш кузатилади. Русча сузлар аралаштириб ишлатилади: значить, так, вот, то есть, хорошо. Булар нуткий одобсизликка киради.

ПЕДАГОГИК АТАМАЛАРнинг узбек тили бойлигига сингиб кетганлиги натижасида ноурин ишлатилади.

Таблица-жадваллар.

Нагрузка-юклама.

СОХАВИЙ атамалар муаммоси хозиргача тула хал килинмаган.Соха терминларини узбекчалаштиришда кур-курона алмаштириш халкаро илмий техника ахборотидан четлатишга олиб келади.

Мактаб ва олий укув юртида ишловчи муаллимлар нуткини кузатиш ва тахлил килиш натижасида уларнинг хатосини куйидагича таърифлаш маъкул:

1. Махаллий шева таъсирида йул куйилади (жиловчи):
2. Суз бойлиги етарли эмаслигидан ривожланмаган камбагал нутк (анака, халиги, хуш):
3. Сохани чукур билмаслик натижасида сузларни чалкаштириш.
4. Сузларни ургусини нотугри куйиш: Методика-методик, биология-биологик, мода-модель:
5. Рус тилини салбий кучирилиши (ассалому алайкум урнига - привет кабилар):

6. Товушларни алмаштириб ишлатиш (Намонгон, Тошконт)

Мазкур хато, нуксонларни лексик, граматик, талаффуз ва имло нуктаи назаридан хам Гуруҳлаштириш мумкин.

Укув юртларида муаллимлар нуткини шакллантиришга махсус дидактик ва психологик машклар бажариш оркали эришилади.

Фикрни лунда, типик ифодалаш учун машк бажариш.

Етук уломолар вазьхонлиги, нотикларнинг магнитафон ва видео ёзувидан фойдаланиш.

Муаллимлар тайёрловчи укув юртларига кирувчилар нуткини текшириш максадга мувофик.

Методик бирлашма, педагогик йигилиш, оммавий тадбирлар, конф. чикишлар килиш нуткини пишитади.

Дарс кузатишда хам укитувчи нуткига эътибор берилади.

Укитувчи суз оркали ифода усулидан ташкари "сузсиз" имо ишора, харакат воситасидан хам фойдаланишни урганиши зарур.

Бундай дидактик тадбирлар дастурий сикик материални укувчига етказа олиш махоратига эришиш имконини беради.

Муаллим нутки.

Миллат вакилининг нутки унинг маънавий олами кузгуси хисобланади, балки савиясининг мезони вазифасини утайди.

Аклий камолотнинг чккол белгиларидан кишининг гапириш хусусияти, сузлаш махорати, фикрини ифода этиш малакаси, нутк маданияти сингариларни аташ мумкин. Муаллим нутки деганда икки Гуруҳ тушунчалар пайдо булади.

1. Муаллим мехнати, муаллим махорати, муаллим билими, муаллим нуфузи.

2. Муаллим, нутк, муаллим нутки.

Биз муаллим махорати тушунчасига куйидагиларни киритишимиз мумкин: Сохавий билим, мутодик тайёргарлик, умумий маданият, ахлок одоби, нотиклик санъати, нуткий кобилияти, сузамонлиги.

Биз таълим тарбия билан шугулланувчи шахсни укитувчи, муаллим, мударрис, устоз-устод, педагог каби сузлар билан айтамиз. Лекин буларнинг барисига узак туркий (укитмок) дан олинган педагогик атама ёки арабча муаллим, муаллима, мударрис, мураббий, домилла, оврупача педагог сузлари билан айтамиз. Масалан: Кенг кулланиладиган вокеа ходисаларнинг номи хам куп булади. Араб дунёсида туяни 400номда аталар экан.

Илм сузидан (арабч) - имлий, таълимий, таълим, таълимот, маълумот, олим, уламо, аллома, муаллим кабилар ясалади.

"Муаллим" - илм ургатувчи.

Узига муаллимликни касб килган шахс ушбу касб номини ифодаловчи атамани, у билан боглик тегишли сузларни мукаммал билиш керак.

Муаллим - таълим-тарбияда марказий шахс, муаллим-зиё таркатувчи.

Демак, муаллим ким? Саволига жавоб топгач, нутк нима? Деган савол туради. У уз навбатида "Нуткий фаолият турлари" (гапириш, тинглаб тушуниш, укиш, ёзув), "нутк функцияси", "нутк максади" (билиш, бошкариш, тарбиялаш), "нутк маданияти" каби катор тушунчларни кузлайди.

Нутк муаммоларни тилшунослик, рухшуносли, мантикшунослик каби фанлар текширади. Муаллим нуткига оид масалаларни эса педагогика (дидактик) урганади. Муаллим нутки узига хос булиб, бажарадиган вазифаси, шакллантириш йуллари булади. Хаётда дудук олим, адиб журналист, аграном булиш табиий хол, лекин сухондон, актёр, уламо, муаллим бундай нуксонлардан холис булиши керак. Чунки, у уз нутки билан кишиларга ахборот етказади, таълим беради, тарбиялайди. Купчилик муаллимга таклид килиб сузлайди. Муаллим нуткини кушикчи, машшок, актёр, раккоса ижро махоратига тенг килиш мумкин.

У ёки бу фан сохасидаги олим илмий системани эгаллаган, у хакида фикр юритувчидир. Фан муаллими эса тегишли билимни эгаллаб, уз шогирдларига етказиб беради. У биринчидан - мутахассис, иккинчидан - мутахассис ва муаллим. Муаллим нуткнинг инсоний, тарбиявий, илмий-информацион тарафлари ахамиятини алохида такидлаш жоиз.

Хозирги кунда мактаблар амалиётида, кулланиб келинаётган амал усулларини асосан уч Гуруҳга булиб курсатиш мумкин.

1) Огзаки баён усули.
2) Курсатмали усул.
3) Амалий усул.

Огзаки баён усули хикоя килиш, тушунтириш ва мактаб маърузаларидан иборатдир. Укув материалини огзаки баён килиш усули мактаб таълими системасида энг куп кулланиладиган усуллардан бири булиб, уни хамма синфларда куллаш мумкин.

Огзаки баён усули укитувчининг жонли нутки оркали идрок килиниши билан характерланади. Бу усул иккала фаолиятнинг, яъни бир томондан укитувчининг укув материалларини мохирлик билан огзаки баён килиб бериши, иккинчи томондан баён килинаётган материални укувчиларни диккат билан тинглаб, онгли ва мустахкам узлаштириш бирлигига асосланади.

Укитувчи маълум бир мавзу мохиятини баён килиб бераётганда унинг жонли нутки укувчиларнинг куз унгида тарихий утмиш ва хозирги хаёт манзараси, халк оммасининг мехнати ва уларнинг образларини гавдалантиради.

Жонли нутк укувчи онгига тез етиб боради ва уни маълум бир хулосага олиб келади. Тарихий жараённинг конуниятларини тушунишини осонлаштиради. Укитувчининг жонли нутки тарбияловчи кучга эга булиб, мантик, интонация далилларнинг ишонарли булиши укувчиларнинг онгига, хис-туйгуларига таъмир курсатади. Натижада укувчиларни фикрлашга ургатади.

Укитувчиларнинг жонли нутки энг ахамиятли томони шундаки,

укувчиларнинг билим олишида курсатмали куроллар, шунингдек текстлар мазмунини тушуниши, фикр юритиши ва уларни мустакил ишлаши учун йул очиб беради.

Укитувчи маълум бир укув материалини огзаки баён килаётган вактда хар-хил курсатмали куроллардан, техника воситаларидан унумли ва уз вактида фойдаланиши лозим.

Масалан, курсатмали куролддан фойдаланаётганда факатгина курсатиб куя колмай уша тарихий вокеанинг мазмунини узининг жонли нутки билан укувчининг куз унгида гавдалантиради. Лекин укувчининг жонли нутки уринини курсатмали куроллар хам, техника воситалари хам боса олмайди. Аксинча булар укитувчининг энг якин хизматчиси булиб хизмат килади.

Техника воситаларидан фойдаланганда, кинофильмлар курсатаётганда хам укитувчи жонли сузлар оркали изохлаши мухим ахамиятга эга.

Укитувчи материални огзаки баён килаётган вактда, шунингдек укув кулланмалари, хар-хил текстлар бадиий асарлардан хам фойдаланиши керак ва уларни баён килиши билан бирга изохлаб тегишли хулосалар чикаради. Хар-бир укитувчи укувчиларга мустакил ишлашлари учун топшириклар берганда уларнинг мазмунини тушунтириб беради. Бунда хам укитувчининг жонли нутки асосий рол уйнайди.

Жонли нутк деганда - таълимнинг огзаки баён методини тушуниш эмас, балки укитувчининг дарс давомидаги сузини, утказаётган савол ва жавобларини, хулосаларини турли йул йурикларини тушуниш керак.

Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини хал этиш укитувчига унинг гоявий эътикодига, касб махоратига, истедоди ва маданиятига хал килувчи даражада богликди.

Укитувчининг жонли нуткининг таълим тарбиявий ахамияти юкорида биз келтирган фактларда уз аксини топган.

Дарс ва дарсдан ташкари машгулотларда укитувчининг жонли нутк оркали берилган билим укувчиларни хис-туйгуларига таъсир этгандагина уларнинг эътикодига айланади. Укувчиларни хар бир дарсда олган билимлари, малакалари уларга турлича таъсир курсатади.

1. Уларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш.
2. Аъло укишга чорлайди.
3. Уларда жирканч иллатларга нафрат уйготади.
4. Жамоа ишларида актив иштирок этишга ундайди.

Огзаки баён жараёнида укувчиларнинг билиш фаоолиятини активлаштириш мухим ахамиятга эга булиб, уларни эътиборини кучайтириш, кизикит урганиш йулларини ташкил этиш керак:

1. Укитувчи дарснинг вазифалари, максади ва баёнини кискача сузлаб беради.
2. Урганилаётган мавзунинг мухимлигини, мураккаблигини айтиб, пухта тушуниб олиш учун, кайси жойларига эътибор бериш, утган темалардан нималарни эслаш кераклигини, кандай бадиий адабиётларни укиш кераклигини уктириб утади.

3. Укитувчи материални баён килишда тузган режасига мувофик сузлаб бериши ва унга якун ясаб кейинги масалага утганини таъкидлаш, укувчиларни урганиб олишига ёрдам беради.

Тарих укитишнинг огзаки баён методини классификацияси 60-йилларгача хал килинмаган. Методистлар. Н.В.Андревский, Бернадский,Зиновьев, Карцов кабилар турли методларни курсатганлар.

1960 йиллардан кейин методист А.А.Вагин бу масалани тарих укитиш тажрибаларига суяниб, огзаки баён методлари классификациясини ишлаб чикди. А,Вагиннинг классификациясига кура укитувчининг жонли нутки монолог ёки диолог формада булиши мумкин.

Монолог-кискача баён, хикоя, таърифлаш. Характеристика, тушунтириш, мухокама ва мактаб лекцияси каби формаларда.

Диолог-очик ёки ёпик формада олиб борилади.

1. Кискача баён - вокеа хакида кискача ахборот бериш. Масалан, 1941 йил 22 июнда Улуг Ватан уруши бошланди.

2. Хикоя-конкрект ва курсатмали булади. Укитувчи томонидан янги утилаётган темага оид ходиса ва вокеаларни яхлит кисмларга булиб, образли тасвирлаш йули билан ихчам, киска ва изчил баён килинишидир.

Хикоя килиш укитувчининг нуткнинг равонлигига богликдир.

3. Тавсиялаш - Укитувчи тарихий ходисанинг мухим белгиларини, хусусиятларини, тузилиши ва куринишини тавсифлаб беради.

4. Характеристика - айрим тарихий арбобларнинг шахсига берилган характеристика.

